

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ КАДРЛАРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Рахматова М.Р., Жалолова В.З., Мустафаева Ш.А., Нурова З.Х.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Мақолада тиббиёт олий ўқув юртлари маъруза ва амалий машғулот дарсларини ўтишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтишнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: инновация, амалий машғулот, интерактив педагогик методлар, ўқитиш, самарадорлик.

РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОДГОТОВКЕ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ МЕДИЦИНСКИХ КАДРОВ

Рахматова М.Р., Жалолова В.З., Мустафаева Ш.А., Нурова З.Х.,

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме,*

В статье рассматривается преимущество применения инновационных педагогических методов для проведения лекций и практических занятий в медицинских ВУЗах

Ключевые слова: практическое занятие, интерактивные педагогические методы, обучение, преимущество.

THE ROLE OF INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE TRAINING OF QUALIFIED MEDICAL PERSONNEL

Rakhmatova M.R., Jalolova V.Z., Mustafayeva Sh.A., Nurova Z.X.,

Bukhara State Medical institute.

✓ *Resume,*

In article advantage of application of innovative pedagogical methods to carrying out of lectures and a practical training in medical high schools is considered

Key words: Practical employment, interactive pedagogical methods, training, advantage.

Длозарблиги

Хозирги кунда талабалар ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг таълим ва билимга бўлган эҳтиёжларини янада кучайтириш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш орқали салоҳиятли, қўйилган муаммоларни ҳал қила оладиган етук мутахассисларни тайёрлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади [1].

Амалдаги таълим йўналиши Давлат таълим стандартларида бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйилган умумий малака талабларида тайёрланаётган кадрлар ўз соҳасига оид қарорларни мустақил қабул қила олиши ҳамда мустақил ҳолда ўз билим ва малакасини ошириш каби хусусиятларга эга бўлиши қайд этиб ўтилган. Олий таълим тизимида бу хусусиятларга эга бўлган кадрларни тайёрлашда таълим алоҳида ўрин эгаллайди[2]. Ҳозирда ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида асосий эътибор инновацияларга қаратилган. Педагогик фаолиятдаги инновация ҳам, худди ишлаб чиқаришдаги инновация сингари янгилик ва ўзгаришларни билдиради, яъни Ўқитиш процессида қўлланиладиган мавжуд педагогик технологияларни ўзгартириш ва янгиланишни англатади.

Янгилик ёки инновация инсоннинг турли хил профессионал фаолияти учун характерли ва шунинг оқибатида қизиқиш, ўрганиш ва қўллашга сабаб бўлади. Инновациялар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки илмий изланишлар ва малакали педагог ходимларнинг узоқ машақатли ишлари маҳсули сифатида пайдо бўлади.

Ўқитиш жараёнидаги инновациянинг асосий мақсади: талабанинг юқори даражадаги интеллектуал-шахсий ва маънавий етуклигини таъминлаш; илмий фикр юритиш кўникмасини ҳосил қилиш учун шароит яратиш; янги методологияни ўз профессионал фаолиятида қўллашни ўргатиш; қўлланилаётган инновация ва ўз касбига қизиқиш ўйғотиш.

Инновациянинг асосий критерийси бу киритилаётган янгиликдир. Шу сабаб инновацион процессдан фойдаланишни истаётган педагог учун асосийси бу янгиликнинг нимадан иборатлиги ва унинг даражасини билиш зарурдир. Чунки бир педагог учун бу ҳақиқатдан янгилик ва қизиқарли бўлса, бошқа бир педагог учун бу таниш ва қизиқарли бўлмаслиги мумкин. Янгиликнинг бир неча хил даражаси фарқланади: абсолют, локал-абсолют, нисбий, субектив, маълумлик даражаси ва қўлланилиш соҳаси буйича фарқланувчи қуйидагиларга ажратилади.

Инновациянинг шу соҳада фаолият олиб борувчи кўплаб мутахассислар томонидан қўлланилиши педагогик инновациянинг баҳоланиш критерийси бўлиб ҳисобланади. Агар муҳим педагогик гоё ёки технология тор қўлланилиш доирасида қолса, яъни гоё фақат уни ўйлаб топган муаллифлари томонидан қўлланилиб, амалиётда кенг тадбиқ этилмаса, у ҳолда бу гоё педагогик янгилик сифатида танила олмаслиги мумкин.

Инновация бу бир-бири билан узвий боғлиқ процесслардан иборат бўлиб, у вужудга келган гоёнинг маълум бир йўналишдаги муаммони ҳал этилиши ва

кейинчалик ушбу янгилик амалда кенг қўлланилиши керак. Ўқув жараёнида инновация сифатида янги ўқув материаллари (мажмуа, силабус, электрон дарслик, мультимедиа), техник воситалар, педагогик технологиялар ва ҳоказолар мисол бўла олади. Қуйида биз педагогик технологиялар тўғрисида кенгроқ тўхталамиз. Инновацион ўқитиш технологияларига В.Д Симоненко қуйидагиларни мисол қилиб олади: интерактив ўқитиш технологиялари, проект ўқитиш технологиялари ва компютер технологиялар. Одатий ўқитиш жараёнида олий ўқув юрти талабаларга назарий билимларни беради, лекин ушбу назарий билимни маълум бир касбга боғлиқлиги эпизодик ҳолда руй беради, масалан малакавий амалиёт даврида ёки имтиҳоннинг амалий кўникмага топшириш вақтида. Шу тариқа реал профессионал кўникмамаларни ўқув жараёни мобайнида талабалар томонидан эгалланиши бироз мураккабдир. Инновацион таълим эса айнан шу профессионал кўникмамалар ҳосил қилиш ва улар сифатини оширишга йуналтирилган бўлади, масалан маълум бир мавзу бўйича касал курацияси ва даво тайинлаш жараёни туширилган видео тасмани томоша қилган талабада ҳам шу мавзуга бўлган қизиқиш ортади, ҳам у танлаган врачлик соҳаси бўйича керакли кўникмамалари ҳосил булишига сабаб бўлади ва шу тариқа талабада керакли амалий кўникмамалар шакллантирилади.

Билим олишнинг интерактив ўқитиш технологиясини қўллаш мобайнида билим берувчи ва билим олувчи орасида роллар алмашинуви содир бўлади, яъни билим берувчи информатор ролини мененжер ролига, билим олувчи эса таъсир қилиш объекти ўрнига ўзаро таъсир субъектига айланади. Худи шундай билим олишда маълумот мақсад эмас, балки профессионал фаолият ва кўникмамани эгаллаш учун керакли манбага айланади. Қуйида интерактив ўқитиш технологияларининг баъзи турларига тўхталиб ўтамиз.

Муаммоли ўқитиш - бу такомиллаштирилган ўқитиш технологиясидир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир.

Муаммоли таълим дарсида бир вақтнинг ўзига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати бўлиб, у ўқувчи шахсидаги муҳим белги-ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ўзларининг интеллектуал, жисмоний, маънавий имкониятларини ўқув ва амалий муаммоларни ечиш учун доим синовдан ўтказади. Бу жараёнда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар ахборот жамияти шароитларида яшаш учун зарур сифатларни шакллантиришга олиб келади.

Муаммоли таълим-ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига, ўзининг фикрини эркин баён қила олишларига ва фикрларини янада ривожлантиришларига таъсир этишдир. Бунда ўқувчи диққат билан тинглаши, мустақил ва ёлғиз фикрлаши, жамоа бўлиб фикрлаши, таҳлил қилиши, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиши ва тўпланган фикрни баён қила олиши керак.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Ўқув материални муаммоллаштириш.
2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш
3. Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш

4. Ўқитувчи (педагог) томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш.

5. Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетмакетликда ўқувчиларга баён этиш.

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек, ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг махсус усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Муаммоли вазиятда талабага нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши яъни, янги билимларни шакллантиришга олиб келадиган номаълумнинг қўйилиши, талабаларда номаълумни топиш йўлида изланишни амалга ошириш учун зарур бўлган муайян билим захирасининг бўлиши ва вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар муаммоли вазиятни ечишга қаратилган бўлишини аҳамият бериш лозим. Аввало талабага номаълум бўлган ўқув муаммоси вазифаси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин талабалар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб туриб кутилган натижа ёки ечиш йўлини излашга тушади.

Муаммоли ўқитиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим томони шундаки, бунда ўқитувчи унинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий функциясини яхши англаб олган бўлиши талаб қилинади. Ўқитувчи ҳеч қачон талабаларга тайёр ҳақиқатни ёки ечимни бериши керак эмас, балки уларга билимларни олишга туртки бериши, машғулотларда ва ҳаёт фаолиятларида зарур бўлган ахборот, воқеа, вақт ва ходисаларни онгида қайта ишлашларига ёрдам бериши лозим бўлади. Муаммоли ўқитиш билимларни онгли ва мукамал ўзлаштириш, атроф-муҳитга ўзининг фаол муносабатини белгилаб олишда талабалар билиш фаолиятини жонлантиришда ката имкониятларга эга. Айрим ҳолларда ўқитувчи талабаларда нафақат қизиқиш уйғотиши керак, балки ўқув муаммосини ўзи ҳал қилиб қўймаслиги ва бошқа ҳолларда талабаларнинг ўқув муаммосини ечишдаги мустақил ишларига раҳбарлик қилиш лозим, натижада талабаларда билимларга мустақил эришиш қобилияти шаклланади ва талабаларнинг интеллектуал фаоллиги таъминланади [8].

Муаммоли маъруза- мавзуга боғлиқ ҳолда маълум бир муаммоли вазият ва унинг ечими билан боғлиқ булган маъруза куриниши. Яъни мавзуга оид бир вазият ўртага ташланади ва ушбу мавзуга боғлаган ҳолда талабалар шу вазиятнинг ечимини топишади. Бунда мавзунинг ёритишда фақат ўқитувчи эмас балки талабанинг ҳам актив иштирок этишига эришилади. Ушбу маърузанинг асосий мақсади талабалар билимини бевосита уларнинг ўз иштироки ёрдамида ошириш. Бундай маъруза кўринишида ҳам талабанинг маърузага

бўлган қизиқиши ортади, ҳам ушбу мавзу юзасидан керакли кўникма эгалланишига эришилади [5].

Ўқув дискуссияси - муаммоли ўқитишнинг бир кўриниши. У муаммоли ҳолатлар анализида қўлланилади. Дискуссия жараёнига барча талабаларни жалб қилиш мақсадида кооператив ўқитиш методидан фойдаланиш (ўқув ҳамкорлиги) керак. Ушбу методика бўйича талабалар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда маълум бир муаммони ўзаро келишган ҳолда ечишга ҳаракат қиладилар. Ушбу ўқув ҳамкорлигининг асосий ғояси билим олувчиларни интеллектуал салоҳият ва ҳаракатларини бирлаштирган ҳолатда муаммоли ҳолат ечимини топишга йўналтиришдир. Талабалар гуруҳи ўқув ҳамкорлиги иши технологияси қуйидагича бўлиши мумкин:

- муаммонинг қўйилиши
- кичик гуруҳларга бўлиш (микрогуруҳлар 3-5 киши), улардаги вазифалар тақсимоли, ўқитувчи дискуссиядан кутаётган натижаси билан таништириш.
- кичик гуруҳларда талабалар томонидан муаммони ечимини аниқлаш.
- муаммонинг ечими билан барчани таништириш.
- дискуссияни давом эттириш ва хулосалаш[3].

Шунга кўра ҳамкорликда ўқитиш методини пухта эгаллаган ўқитувчи қандай ўқитиш ва нимани ўргатишни яхши билиб олади. Зеро, ҳамкорликда ўқитиш ўқувчида онгли интизомни тарбиялайди, ўз муваффақиятини гуруҳ муваффақияти деб билади, топшириқларни ҳамгуруҳлари билан пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга ва ниҳоят ситқидилдан ақлий меҳнат билан шугулланишга замин тайёрлайди. Ҳамкорликда ўқитиш методининг моҳият мазмунини юқорида қайд этилган фикрлардан ташқари команда (жамоа) ҳамкорлиги асосида топшириқларни ечиш жараёнларини вақт бўйича босқичма - босқич (ғояларни инерциялар, муҳимларини ажратиш, лойиҳалаш қайта ишлаб чиқиш) ва амалга ошириш ғояси етади. Шу ўринда шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ҳамкорликда ўқитишда ўқув маълумотларини ўзлаштириш самарадорлиги бошқа ўқитиш методларига нисбатан юқори бўлади. Буни Буюк Британиянинг Старклайу университети қошида халқаро лойиҳалар марказининг директори, "Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Ўзбекистон таълим тизимини ислохотига кўмаклашиш" лойиҳасининг халқаро эксперти Ян Смит ҳам Буюк Британия, Покистон, Ботсванида олиб борган тажрибаларига асосланиб 8 апрел 1999 йилда Республикада ўтказилган халқаро анжуманда "Илғор педагогик технологиялар" мавзусида қилган маърузасида ҳам қайд қилиб ўтди. Унинг қайд этишича ҳамкорликда ўқитиш, яъни ўқувчи - талабаларнинг бир-бирини ўқитишда самарадорлик мутлақо ошган.

Талабалар ўзаро ҳамкорликда бир-бирини ўқитсалар натижа унумли бўлади. Ҳамкорликда бирга ўқиймиз (Миннасот университети) Дэвид Жонсон, Рожер Жонсонларнинг фикрига кўра синф (гуруҳ) 3-5 кишини ташкил этган кишидан ташкил топган кичик гуруҳчаларга бўлинадилар ва гуруҳ аъзолари бир мавзунини ўрганадилар. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир ўқувчи мавзу бўйича назарда тутилган билим, кўникма малакаларни ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Бунда ўқувчиларга кўрсатма берилмайди, улар топшириқ мазмунидан келиб чиқиб бир-бирига ёрдамлашиш асосида топ-

шириқни ҳал этадилар. Бунинг учун ўқитувчи командада ўқитиш методидан фойдаланиш учун, аввало, мавзунини аниқлайди ва команда учун топшириқларни бажарса кифоя. Шунингдек, ўқитувчи командалар учун ўқув топшириқларини мавзу бўйича ўқувчи (талабалар)нинг ўзлаштирган билимларини аниқлаш мақсадида тест саволларини ишлаб чиқади ва машғулоти ўтказишни лойиҳалаштиради.

Ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланишда ўқитувчи:

- а) қайси мавзунини ҳамкорликда ўқитишни олдиндан белгилайди;
- б) мавзу учун ўқув топшириқлари ва уларни бажариш тавсияномасини режалаштиради;
- в) ҳамкорликда ўқитиш дарс- ишланмаси ва унинг тузилмасини ишлаб чиқади;
- г) мавзу бўйича билимларни назорат қилишнинг тест топшириқларини тузади.

Ҳар қандай интерфаол метод тўғри ва мақсадли қўлланилганда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади. Таълим тизимида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар ўқувчиларга янги билим, кўникма ва малакаларни беради. Касб-ҳунар таълими жараёнида фаол ўқитиш усуллари мазмунини танлаш ва амалга ошириш муҳим муаммолардан биридир. Интерфаол ўқитиш усуллари таълим жараёнига таъсир кўрсатади. Интерфаол усулларнинг назарий асослари педагог олимлар томонидан кенг ўрганилган. Ҳамкорликда ўқитиш методини таълим жараёнида қўллаш таълимнинг самарадорлигини оширади[7].

"Мия штурми" ўз олдига иложи борица кўпроқ ғоя олиш мақсадини қўйиб, уларни фикрлаш инерциясидан озод қилиб, муаммони ечишнинг одатий кечилишини ўзгартириб, талабаларнинг ижодий фикрлашини активлаштиради. Ушбу усул талабалар гуруҳида янгидан- янги ғояларни пайдо бўлиши ва ўқитишнинг эффективлигини оширишга сабаб бўлади. "Мия штурми" усулининг асосий принциби ва қоидаларидан бири - талабалар томонидан берилаётган ғояларнинг бирортаси ҳам критика қилинмаслигидир. Бунда талабалар уларини эркин тутишлари, ҳаттоки муаммони ечишда биров ҳазил мutoйибага ҳам ўрин берилади. Ўйин охирида хулоса қилинади.

Профессional мактабда ўқитиш процессини активлаштиришнинг энг асосий бугинларидан бири дидактик ўйиндир. Дидактик ўйин процессида талаба ўз профессионал фаолиятига мос ҳаракатни бажаради. Натижада талабанинг билими тўпланиши, актуализацияси ва олинган билимнинг кўникма ва бажара олишга трансформацияланишига сабаб бўлиб, тажриба тўпланиши ва ривожланишига олиб келади. Дидактик ўйин технологияси 3 этапдан иборат:

1. Талабаларни дидактик ўйинга жалб қилиш.
2. Professional фаолиятни ўйин тарзида ўрганиш.
3. Ўйин модули остида касбни тўлалигича эгаллаш.

Амалиёт ёрдамида ўз касбига оид вазифаларни бажариш- Ўқитишнинг фаол методларидан бири бўлиб, бунда профессионал фаолият модел тарикасида олиниб талаба ўзи танлаган профессионал фаолиятига оид вазифани бажаради. Бу ўйиннинг асосий шартини ушбу фаолиятни талаба ўқитувчи бошчилигида келажақда ўз профессионал вазифасини ўтайдиган жойда (масалан тиббиёт олийгоҳи талабаси касалхонада) бажаради.

Имитацион тренинг- профессионал кўникмалар ва билимларни турли хил техник воситалар ёрдамида ўрганиш. Масалан тиббиёт олийгоҳи талабалари кўникмаларини турли хил муляжларда ўтказишлари ёки профессионал фаолиятлари учун зарур бўлаган тиббий асбоб ускуналардан фойдаланишни ўрганишлари мумкин. [4].

Ўйинли проектлаштириш бу талабани амалий машғулотларга ва келажакда танлаган касбига қизиқтиришнинг яна бир кўриниши бўлиб, бунда талабалар ўз профессионал фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда турли хил проектлар, янгиликлар ҳақида фикрлаб, ушбу соҳанинг ривожланишига замин яратувчи гоялар ўйлаб чиқади. Ушбу усулга яққол мисол қилиб "Кейс-стади" технологиясини олиш мумкин, махсус фанининг мазмунини ўқувчиларга етказишда ва уларнинг мустақил ҳамкорлик асосида иш олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратиб беради. "Кейс-стади" технологияси амалий мазмундаги муаммоларни ечишга қаратилган таълим технологиясидир. Кейс-стади технологияси - объектив реал ёки сунъий ўйлаб топилган ҳаётий муаммонинг муаммоли-вазиратли таҳлил остида ечимини излаб топишга асосланади. Кейсда ўқувчилар учун муаммоли вазиратли ечишга бағишланган йўналтирувчи материаллар тўпланган бўлади. Муаммоли вазират - бу субъектга ўз мақсадига эришишида тўққинлик қилувчи ноаниқ ҳолатлар мажмуидир. Таълим жараёнида "Кейс-стади" технологиясининг қўлланилиши ўқувчилар томонидан қуйидаги кўникмаларга эга бўлишларига олиб келади:

- индивидуал ва гуруҳлар таркибида фаолият олиб бориш;
- амалий вазиратларнинг таҳлилий ечимини топиш;
- кейс материалларини туза олиш;
- келажакда ўзининг касбий фаолиятини ташкил қилишнинг самарали йўллари излаб топиш;
- касбий фаолиятда учрайдиган муаммоли вазиратларга мустақил қарор қабул қилиш қилиб.

Кейслар педагог томонидан индивидуал ёндашув орқали ҳар бир гуруҳдаги ўқувчилар учун алоҳида ишлаб чиқилиб, машғулотнинг бошида тарқатилади. Кейс таркибида муайян лаборатория машғулотининг мавзусини ҳамкорликда ўқитишда ҳар бир гуруҳдаги ўқувчилар ўзаро кичик гуруҳларга бўлинишида ҳар бир гуруҳдаги ўқувчи ўзининг билим даражасига қараб вазиратларга эга бўлади. Кейинги иккинчи босқичда ўқувчилар гуруҳлар таркибида ҳамкорлик асосида фаолият олиб боради. Учунчи босқичда, кейс натижалари тақдимот қилинади [6].

Билим олишнинг интерактив ўқитиш технологиясини қўллаш мобайнида билим берувчи ва билим олувчи орасида роллар алмашинуви, ҳамда маълумот ролининг ўзгариши содир булади. Ушбу роллар алмашинуви типик ишчи уйинларидан бири бўлиб ўз-ўзини бошқариш интерактив усули ҳисобланади. Бунда талабалардан бири виртуал ўқитувчи сифатида танлаиб амалий машғулот ўтказилишидан бир кун олдин ушбу талаба огоҳлантирилади. Танланган виртуал ўқитувчи ўтиладиган мавзу юзасидан талабаларни қизиқтириш учун турли хил интерактив ўйинлар тайёрлаб келиб дарсни ўтказиши. Дарс ўйин тарихида ўтказилганлиги ва роллар алмашинуви содир бўлганлиги са-

баб талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишлари, шунингдек виртуал ўқитувчи гуруҳ талабаларидан бири бўлгани сабаб талабаларнинг дарсда ўзларини эркин тутишлари мавзунини бахс мунозара кўринишида ўтилиб, унинг тўлиқроқ эгалланишига эришилади. Дарсда бу тарихи ўтказилиши айниқса келажакда педагог касбини танлаган талабаларда мавзунини тўлиқ эгаллаш билан бир қаторда ўз касбларига оид кўникма ва билимларнинг шаклланишига олиб келади. Мисол тарихида ушбу интерактив усул тиббиёт олийгоҳлари тиббий педагогика факультети йўналиши талабалари учун фойдаланилганда уларда мавзу бўйича кўникма эгалланиши билан бир қаторда келажакда танлаган тиббий педагог касбини мукамал эгаллашларига замин яратилган бўлар эди.

Хулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, инновацион таълим талабада айнан профессионал кўникмалар ҳосил қилиш ва улар сифатини оширишга йўналтирилган бўлиб, ушбу таълим кўриниши ёрдамида маъруза ва амалий машғулот дарслари ўтказилганда фанлар бўйича билимнинг мустақамланиши билан бир қаторда талабаларда ўтилаётган мавзу бўйича келгуси профессионал фаолият билан боғлиқ билим ва тегишли амалий кўникмалар ҳосил бўлишига эришилади. Бу эса ўз ўрнида машғулотларнинг сифати ҳамда самарадорлигини оширишда ўзининг ижобий самарасини беради. Шунингдек, педагогик инновациянинг бир тури интерактив усуллардан фойдаланиб дарсларни ўтказиш, талабаларда фанга бўлган ҳавасларини оширади. Фанга қизиқишни ошириш эса дарсда кўзланган мақсадга етишиш демакдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т. Шарқ, 1997. 64 бет.
2. Қаршибоев Х.Қ. "Олий таълимда талабалар мустақил ишларини ташкил этиш". Таълим муаммолари. №4, 2009 й., 26-29 бетлар.
3. Мавлянов.И.Р ва соавторлар "Клиник фармакология кафедраси машғулотларини ўтказишда интерактив ўқитиш услубларининг қўлланилиши".Тошкент 2005 4 -14 бет
4. Использование инновационных технологий в процессе преподавания педагогических дисциплин (электронный ресурс) <http://ntfmkonfz.ru>
5. Сластенин В.. Исаев И и др. Педагогика: Учебное пособие (электронный ресурс) <http://www.gumer.info>
6. В.Т.Исақулов, Д.В.Тўлаганова, "Махсус фанларни ўқитишда илгор педагогик технологияларни индивидуал ёндашув асосида қўллашнинг самарадорлиги".Фан таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияловчи шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари Республика илмий-амалий конференцияси I-қисм Илмий маколалар тўплами 220-221 бетлар
7. Н.И.Содиқова, Ш.Қурбонов "Ҳамкорликда ўқитишда ўқитиш методининг таълим жараёнида қўлланилиши" Фан таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияловчи шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари Республика илмий-амалий конференцияси I-қисм Илмий маколалар тўплами, 231-232 бетлар
8. М.Арипжанова "Касб -хунар коллежларида муаммоли ўқитиш элементларидан самарали фойдаланиш" Фан таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияловчи шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари Республика илмий-амалий конференцияси I-қисм Илмий маколалар тўплами, 272- 273 бетлар

Қабул қилинган кун 09.02. 2020